


R 617 / 3.
7999

O'ZBEKISTON TARIXI



3
1999



O'ZBEKISTON TARIXI

Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi

Bir yilda to'rt marta chiqadi

3

1999

Toshkent

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

«Fan» nashriyoti

ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИ

Таҳрир ҳайъати:

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ (бош муҳаррир), Дилором АЛИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Ашраф АҲМЕДОВ, Бўрибой АҲМЕДОВ, Омонулло БҮРИЕВ, Юрий БҮРЯКОВ, Элёр КАРИМОВ, Гулором МАШАРИПОВА, Турғун МИРСОАТОВ, Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ, Мирзали ТҶАРАБЕКОВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Хондамир ҒУЛОМОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Темур ШИРИНОВ, Фатҳулла ЭРҒАШЕВ, Марзия ҒАНИЕВА (котиба-муҳаррир)

Манзилимиз:

700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Тел.: 133-47-12; 162-38-73.

Ислом Каримов

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ассалому алайкум азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминиди ту-
риб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аجدодимиз Жало-
лиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод
этаман.

Ватанимизнинг кўпнинг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи,
ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-ному-
сини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва
мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида
ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалолиддин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда
ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин
Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳ-
рамонидир.

Жалолиддин Мангуберди — бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа
ҳаёти давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қи-
лишга улгурган улуг аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалолиддин Мангубердининг беқиёс жасоратини англаш учун,
аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бе-
шафқат саҳифаларини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келолмаган, Хи-
той ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора
денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган ша-
ҳар-қишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб, не-не шоҳу
шаҳоншоҳлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган
Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб кела-
ётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб
ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволини ҳам бир ўзингизга тасав-
вур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манамиш деган
қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр
эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолиддин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг бекиёс жасорати ва қатъиятини намойён этди. Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мўғул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди. Ва ғанимларга шундай қақшатқич зарбалар бердики, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват иймон-этиқод бўлиши керак?

Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғли юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун зиммасига шундай огир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган халқ ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир.

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзоднинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан ҳалос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Муҳтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамisha бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг тугилиб ўсган, ота-боболаринг ҳоқи ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, маңфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанг аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу — ҳақиқат.

Жалолоддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намоянасидир.

Султон Жалолоддиннинг бизга қолдирган **яна бир даъвати шуки,** у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Қадрли ватандошлар!

Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуг зотлар ватани, «Авесто» дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ — Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолоддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради.

Султон Жалолоддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру гуруридир. **У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.**

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қадрдонларим!

Шу ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларда дунёга Мангуберди каби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалолоддин Мангуберди хотирасини ҳурматлаб, муаззам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиз-

дек, бу улугвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, беқиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнамас шижоати мужассам толган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшган муҳандис ва меъморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғ-бонларга чин қалбимдан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аجدодларимизга кўрсатаётган ҳурмат эҳтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамини азиз боболаримиз қатори, Жалолиддин Мангубердиннинг ҳам руҳи поки шод бўлғай, ишшоолло.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чароғон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалолиддинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Ишончим комилки, Мангубердиннинг беқиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги кўз қорачигидек асраб келаётган довурак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур ўғлонларимиз сиймосида давом этаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик қони томган заминни, аجدодларининг муқаддас мазорларини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, ўз ватанига бутун борлигини бахш этишга ҳамиша тайёр турадиган, қадок қўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обрў-эътибори ва ҳурмати ошаверади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни камолга етказган она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар!

Бугун Хоразм заминида қўшалок байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи ҳалоллигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун «оқ олтин» бўлмиш пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан ғалаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриклашга рухсат бергайсизлар.

Манба ва талқин

Қ. Содиқов

КУЛТЕГИН, БИЛГА ХОҚОН БИТИКЛАРИДАН ҲАҚИДА «ХОҚОН СУЗИ»НИНГ БОШЛАМАЛАРИ ВА ЕДНОМАЛАРНИНГ МАТН ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Кўк турк хоқонликлари даврида юз берган ижтимоий-сиёсий, маданий юксалиш туркий матнависликда янги бир йўналиш — тарихнавислик (историография)нинг шаклланишига замин ҳозирлаб берди. Туркий тарихнавислик ўз йўлини, ҳар қалай, эпиграфика, хусусан, монументал матнлардан бошлаган кўрилади. Муаррихлар хоқонлар, турк давлатчилигининг равнақига катта ҳисса қўшган кишилар тарихини аждодларга ана шу мангутошларда ёзиб қолдиришни истадилар. Шундан келиб чиқиб монументал матн тузилишининг ўзига хос принципларини яратдилар.

Монументал-тарихий асарлар орасида кўк турк тарихнавислик мактабининг йирик намояндаси, улуғ адиб Йўллуғ тегин битган икки битик — Култегин ва унинг оғаси Билга хоқон шарафига ўрнатилган ёдномалар (732 ва 735 йилларда тикланган) алоҳида ўрин тутади. Қўйида ана шу битикларнинг матн тузилиши, улардан ўрин олган айрим матн компонентларини кўриб чиқамиз.

1.1. Култегин ва Билга хоқон битикларининг муқаддимаси шундай бошланган: T'NGR'IT'G; T'NGR'ID'A; BVLMS T'WR'K; B'IL'GA; QGN; BVWD'KA (Билга хоқон битигида B'WD'KA); VLRTM. Култегин битигининг мавжуд нашрларида «хоқон сўзи»нинг ушбу бошламасини Tāngri-teg tāngridā bolmīs türk (~tūgük) Bilgā qağan bu ödkä olurtum шаклида транскрипцияга ўгирадилар. Талқини эса нашрларда бир оз фарқланади. Жумладан, С. Е. Малов буни русчага «Небоподобный, неборождённый («на небе» или «из неба возникший») тюркский каган» я ныне сел (на царство) деб таржима қилган¹. T'NGR'ID'A BVLMS' бирикмаси *al etmis* билан уюшиқ бўлак ҳолида Мўюн-чўр мангутошининг бошламасида ҳам хоқон нисбаси (алқаби) бўлиб келади. Бу ўринда С. Е. Малов уни «кўкдан ўрнатилган» («небом поставленный») деб таржима қилган². Култегин битигининг Тошкент нашрида қайд этилган бошламанинг мазмунини қўйидаги талқинга эга: «Тангридай (=фалакдай) тангридан бўлмиш турк Билга хоқон бу дунёга келдим»³. Ғ. Айдаров талқинида: «Тангридай тангридан бўлган турк Билга хоқон бу чоғда ўтирдим»⁴. А. Б. Эржиласун ушбу бошламани «Тангри каби кўкда

¹ Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951. С. 53.

² Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.—Л., 1959. С. 30, 34, 38.

³ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент. 1982. 89-бет; шунингдек, 91-бетдаги 4—5-изоҳларга ҳам қаранг.

⁴ Айдаров Ғ. Орхон ескерткештерининг текси. Алматы, 1990. 53-бет.

бўлимиш турк Билга хоқон» (Tanrı gibi gökte olmuş Türk Bilge Kağan) бошламадаги T'NGR'ID'A: BVLMŞ бирикмасини «кўкдан инган» (gökten inmiş) деб талқин қилади⁵.

Энди бошлама матнини бир бошдан кўриб чиқайлик. Матида биринчи қўш нуқтагача бўлган оралиқдаги ҳарф бирикмалари tängri-teg ўқилади. Навбатдаги сўз tängridä бўлиб, у чиқиш келишигидадир («тангридан» деган маънони беради). Ундан кейинги BVLMŞ ни нашрларда болмиш деб ўқиганлар. Бироқ, шундай ўқилган тақдирда мазмунда ғализлик содир бўлади. Эътибор беринг: «Tängri-teg tängridä bolmiş türk (~türük) Bilgä qağan — Тангридай (=фалакдай) тангридан бўлимиш турк Билга хоқон» (!) Бошлама бундай талқин қилинганда Билга хоқон ўзини «тангридан бўлган, яралган» деб таърифламоқда. Бунга қўшилиш қийин.

Шу ўринда муҳим бир фактга мурожаат этайлик. Билга хоқон битигининг асосий қисми (улуғ битик)да кечган «хоқон сўзи» Tängri-teg tängri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm (Кўкдай (улуғвор) тангри яратган турк Билга хоқон сўзим деб бошланган (X. 1). Ушбу бошлама-формулада хоқон ўзини «тангридан бўлган» деб эмас, «тангри яратган» (tängri yaratmış) деб атамоқда. Еки Култегин битигида хоқон ўз кечмишини «Тангри ёрлақгани учун, истеъдодим, бахтим бор учун хоқон бўлиб (тахтга) ўтирдим» (Tängri yarlıqaduqın üçün, bözüm, qutım bar üçün qağan olurtıdım) деб хотирлайди (Ka. 9). Келтирилган мисоллар назарда тутилганда Култегин, Билга хоқон битиклари муқаддималаридаги илк бирикманинг «тангридан бўлган, тангридан яралган» (tängridä bolmiş) деб талқин қилинуви тўғри эмас.

Мабодо, битикдаги BVLMŞ ни bulmuş деб ўқилса, мазмун ойдинлашади. У икки морфемага ажралади: bul-muş. Қадимги туркий тилда bul- «эришмоқ, етишмоқ, топмоқ» маъноларини англатган. Ҳар қалай, ушбу сўзни ўтган замон сифатдоши (bulmuş) шаклида ўқиган маъқул. Буни Мўюн-чўр битиги бошламасида ушбу бирикманинг el etmiş билан уюшиқ бўлак ҳолида келганлиги ҳам тасдиқлайди.

Айни чоғда расмий ҳужжатларга мурожаат этамиз. Султон Абу Саиднинг 1468 йили уйғур ва араб хатида битилган васиқасида унвон, адресат (inscriptio) ва салом (salutatio) дан сўнг матнинг асосий бўлими шундай бошланади: Tengri ināyatī bulub Sahib qirān Temūr beg tamām mamālikni musahhar qılıp yūrügānda⁶. Мазкур жумладаги Tengri ināyatī bulub — «тангридан иноят етиб, тангрининг инояти билан» маъносини беради. Еки Олтин Ўрда хони Улуғ Муҳаммаднинг 1428 йили подшоҳ Муродга йўллаган мактубининг бошламаси шундай: Haq ta'āla inayatiyla Muhammad payğambar mo'jizatiyla Muhammaddin ġāzi Muradqa salam⁷. Еки Маҳмудхоннинг Фотиҳ Султон Маҳмудга йўллаган битиги бошламасидаги даъват (invocatio) арабий жумла ҳолида

⁵ Ercilasun A. B. Wilhelm Radloff ve türk bengü taşları. — Orhun. Moğolistan tarihi eserleri atlası. Ankara, 1995. S. 6—7.

⁶ Kurat A. N. Topkapı Sarayı Müzesi arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan hanlarına ait yarlık ve bitikler. İstanbul, 1940. S. 121.

⁷ Уша китоб. 8—9-бетаар.

берилган; битик Ну (яъни Аллоҳ)дан кейин Bilquvvat-il-Ahadiyya va bilmo'jizat-il Muhammadiyya val burhaniyyat-il madadiyya (Таңгрининг қуввати ва Муҳаммаднинг мўъжизоти ила ва Бурҳон мадади ила) деб бошланган⁸. Шунингдек, айни битикнинг адресати (inscriptio)да Аллоҳнинг инояти таъкидланади: Sarvar-i salātin baināyt-i rabb-ul-'alamin Sultān-i 'azam Muhammad ġāzīgā (Таңгри инояти билан султонларнинг буюғи бўлган Султон азам Муҳаммад Ғазийга)⁹.

Мисоллардан англашиладики, расмий ҳужжатлар бошламасида (унвонида, даъват қисми, invocatio да), таомилга кўра, Таңгрининг инояти, куч-қудрати алоҳида қайд этилган. Айни анъана қадимги туркий ҳужжатчилигида ҳам мавжуд эди дейиш мумкин. Ўрта аср ҳужжатчилигида кенг қўлланган ҳужжатларга хос бўлган анъаналар қадимги битиклардан ўз тараққиётини бошлаган дея оламиз. Шунга биноан. Култегин, Билга хоқон битикларидан ўрин олган «хоқон сўзи» бошламаси (унвони)да ҳам хоқоннинг Таңгри инояти билан тахтга ўтирганлиги қайд этилган.

Шу ўринда яна бир муҳим мисол келтирмоқчиман. Тарихчи олим, профессор М. Исҳоқов бир суҳбатда менинг юқоридаги фикримни тасдиқлаб, муҳим бир мисолни илова қилди. Унинг таъкидича, Қирмоншоҳ шаҳри яқинидаги Бехистун қоя тошидаги битик шундай бошланади: «Мен Дарайаваухш, подшолар подшоси, Форс подшоси, мамлакатлар (Эрону Анэрон) подшоси, Виштаспнинг ўғли, Аршаманинг набираси, Хахамануша авлодиман...»

Менинг, Дарайаваухш сўзим. Менинг аجدодларимдан саккиз (киши) подшо бўлган, мен — тўққизинчи. Биз — авлоднинг икки тармоғидан тўққиз подшодирмиз.

Мен, Дарайаваухш подшо, дедим (сўзим): Ахура Мазда иродаси (хоҳиши) билан мен подшоман. Ахура Мазда менга подшолик берди. Менинг Дарайаваухш сўзим: мана мен подшолик қилган вақтимда нима ишлар қилдим...»

Эътибор берилса, матнда Дарайаваухшнинг Ахура Мазда иродаси билан подшо бўлганлиги таъкидланмоқда. М. Исҳоқовнинг яна қайл этишича, Кееркс ва бошқа подшолар ёзуви ҳам анъанага кўра шундай формула билан бошланади.

Демак, Култегин, Билга хоқон битиклари бошламасини Ўрта ва Марказий Осиё халқлари тарихнавислигида узоқ давом этган тарихий-маданий муносабатлар таъсирида шаклланган дейиш мумкин.

Таҳлилда давом этамиз. Матндаги BVWD'KA (ўкилиши bu ödkä) Билга хоқон битигида B'WD'KA шаклидадир. Кейинги битикдаги шаклини bödkä деб ўқиш мумкин. Böd — қадимги туркийда «тахт» маъносини англатган¹⁰ Қиёсланг: bödkä körgümä beglär — тахтга кўз тиккан беклар (Ка. 11). Кейинги битикка қиёсан Култегин битигидаги BVWD' (bu öd)ни ҳам «тахт» деб талқин қилган маъқул. Агар bu öd даги öd ни «дунё: вақт» деб талқин қилингудек бўлса, маъно ғализ-

⁸ Уша китоб. 38—39-бетлар.

⁹ Уша ерда.

¹⁰ Қаранг: Древнетюркский словарь, Л., 1969. С. 116.

лашади. Чунки у олуртум (ўтирдим) феъл-кесимга боғланган. Бунинг билан хоқон бу дунёга келганини эмас, Тангрининг инояти билан тахтга ўтирганлигини билдирмоқда. Шунинг учун С. Е. Малов бун «тахтга чиқдим» («сел (на царство)» ёки «воссел (на престоле)») деб таржима қилганида, менимча, ҳақлидир¹¹. Зеро, матида олуг-феъли мунтазам равишда «тахтга ўтирмоқ» маъносига қўлланган. Қиёсланг: қаған олуртум — хоқон бўлиб тахтга ўтирдим. (Қа. 9). Еки qangim türk Bilgä qağan olurtuqinta — отам турк Билга хоқон (бўлиб) ўтирганда (Ха. 13). Одатда, расмий матилар муқаддимасида хон ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қилиб, сўнг эл-улусга ёрлик берган. Бунга мисол сифатида «Ўғузнома» достонида Ўғузхоннинг ўз ёрлиғида тахтга чиққанлигини маълум қилиб, сўнг халққа мурожаат этганини эслаш kifоя.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, битикларда келтирилган хоқон мурожаатининг бошламасини шундай талқин қилиш мумкин: Tängri-teg tängridä bulmuş türk (~türük) Bilgä qağan bu ödkä (bödkä) olurtum. Бунинг мазмуни: «Кўкдай (улуғвор) Тангридан иноят топган турк Билга хоқон тахтга ўтирдим.

Шунга қиёсан, tängridä bulmuş алқаби келган Мўюн-чўр мангутоин бошламасини тубандагича тушуниш мумкин: Tängridä bulmuş, el etmiş Bilgä qağan, b(än)... (Тангридан иноят топган (Тангрининг иноятига эришган), эл этган Билга хоқон, мен...¹²

Мазкур ибора тарят обидасида икки бор қўлланган. Биринчиси мати муқаддимасида қуйидаги жумлада келган: Tangridä bulmuş, el etmiş Bilgä qağan, Elbilgä qatun qağan atıǵ qatun atıǵ atanır... (Тангридан иноят топган, эл этган Билга хоқон, Элбилга хотун хоқон отини, хотун отини олиб...)¹³.

Ушбу жумла асар хотимасида ҳам бир оз ўзга шаклда такрорланади (29—30-сатрлар): Qara bodun toryan qağan atadī, tängridä bulmuş, el etmiş Bilgä qağan atadī, El bilgä qatun atadī, qağan atanır, qatun atanır... (Уни) бутун халқ Тўрян хоқони деб атади, Тангрининг иноятига эришган, эл этган Билга хоқон деб атади, Эл билга хотун деб атади, (улар) хоқон унвоинни олиб, хотун отини олиб...).

1.2. Энди фақат Билга хоқон битигида келган, матида икки бор учрайдиган бошлама хусусида.

Билга хоқон улуғ битиги Tängri-teg tängri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm унвоин билан бошланади. Айни қилинган бошламаларни давлатчиликми тарихида хон ва бекларнинг туркий тилда битилган мактубларида, ўрта асрларнинг ёрлиқларида ҳам учратамиз. Масалан, X асрда хитойчадан туркийга таржима қилинган «Сюань-цзан кечмиши» асарида бир неча ўринда роҳиб Сюань-цзаннинг мактуби берилган. Муҳими, ушбу мактубларнинг бари Toyin xuintso sawim

¹¹ Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. 33-бет, шунингдек, 404-бетдаги олуг сўзининг изоҳига қаранг.

¹² Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. С. 30, 34.

¹³ Қаранг: Айдаров Ф. Кўрсатилган китоб. 170—181-бетлар.

(Роҳиб Сюань-цзан сўзим) деб бошланган¹⁴. Айни қолипни бошлама, айниқса, ўрта асрларнинг туркий ёрлиқларда кўп учрайди. Жумладан, Олтин Ўрта хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган уйғур ёзувли ёрлиғи Тохтаміш сўзўм Яғайлаға, хон Темур Қутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи Темүр Қутлуғ сўзўм деб бошланади¹⁵. Хужжатшунослик (дипломатика)да ёрлиқларнинг бундай бошламасини «преамбула», «начальный протокол» деб юритадилар. Ислом дунёси матншунослигида эса тарихий хужжатларнинг бу шаклга кирган бошламасини «унвон» ҳам дейишган.

Билга хоқон битигидаги Tängri-teg tängri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm ҳам айна вазифада келган бўлиб, хоқоннинг эл-улусга қарата ёрлиғининг унвони (преамбуласи)дир. Ушбу бошлама унвон уч компонентдан тузилган: биринчиси Яратганнинг эътирофи (Tängri-teg tängri yaratmış), иккинчиси — хоқоннинг оти ва даражаси (türk Bilgä qağan), учинчиси эса sab («сўз»)нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак (sabīm).

Биринчи қисмга кирувчи tängri-teg (кўкдай) сўзи tängri (Яратган)нинг сифати бўлиб, унинг кўкдай улугворлигига ишорадир. Иккинчи қисмда Bilgä исмидан аввал қўлланган türk сўзи улуг шахс, қудратли ҳукмдорнинг нисбаси (сифати)дир. У «кучли, қудратли, жасур, тузувчи» маъноларини билдиради. Шунга биноан, иккинчи қисмини ташкил этган бирикма маъносини «қудратли Билга хоқон» деб тушуноқ керак. Türk сифати бошқа машхур хоқонлар исмига ҳам қўшиб айтилган. Масалан, Элтариш хоқон инисининг исми манбаларда türk Böğü қаған шаклида қайд этилган. Ҳукмдор исмининг нисбаси билан қўшиб ёзиш расмий хужжатчиликнинг услубий талаби эди.

Ўрта асрларда битилган туркий ёрлиқларнинг бошламасида ҳам баъзан ёрлиқ берувчи ҳукмдор (intitulation)нинг даражаси, унвони, нисбаси қўшиб ёзилган. Масалан, Шохруҳ Мирзонинг 1422 йили Исмоил исмли шахсга берган уйғур ёзувли нишони Şahrüh Bahadur sōzūm унвони билан бошланади. Ушбу унвондаги bahadur сўзи олий табақа вакилларига берилувчи нисбани билдиради. Еки 1469 йили Андижонда битилган Умар Шайх Мирзо нишонининг бошламаси Sultān 'Umar Şayx Bahadur sōzūm шаклидадир¹⁶. Қиёс учун яна туркий ёрлиқлар бошламасида қўлланган Abu-l-muzaffar, Abu-l-gāzī каби нисбаларни эслаш kifойа.

Билга хоқон унвонидаги sabīm «меннинг сўзим» дегани эмас, балки «менинг мурожаатим, менинг ёрлиғим» маъносини билдиради. Туркий тилнинг кейинги босқичида sab (~saw) сўзи истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнида söz калимаси қўллана бошлади. Энди расмий хужжатлар бошламасида ҳам қадимги sab (saw) ўрнини söz эгаллади. Бу ҳам

¹⁴ Мактубларнинг матнига қаранг: Тугушева Л. Ю. Уйғурская версия биографии Сюань-цзана. М., 1991. IV 32, 9—10; V 78; 22—23; VI 22, 10—11.

¹⁵ Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). Тошкент, 1997. 85—86-бетлар.

¹⁶ Уша китоб, 87—88-бетлар.

тарихий анъанага мувофиқ «буйруқ, фармон, ёрлиқ» маъноларини берди.

Юқоридагилар асосида Билга хоқон улуғ битиги бошламасини шундай талқин қилиш мумкин: «Кўкдай (улуғвор) Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим». Билга хоқон ана шу унвон билан халққа, авлодларга мурожаат қилади. Айни бошламада барча компонентларнинг тўла-тўқис, лўнда, ихчам ҳолда муайян қолипга жойлашганлиги кўк турк ҳужжатчилигида расмий ҳужжат унвонларининг услуб жиҳатдан анчайин такомиллашганидан далолат беради. Урта аср ёрлиқлари унвонларининг қолипи ўз асосларини қадимги турк давридан бошлаган дейишга тўла асос бор. Туркий унвонлар қолипи кўк турк хоқонликлари даврида шаклланиб, даврлар оша ёзма тил (bitig söz), услублари билан баробар такомиллашиб келган.

Бехистун битигида ҳам айни қолипни формуланинг («Менинг Дарайаваухш сўзим») мавжудлиги узоқ давом этган тарихий-маданий алоқаларнинг умумийлигидан далолат беради.

Муҳими шундаки, Билга хоқон битигининг хотима қисмида Tängri-teg tängri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm унвонли яна бир ёрлиқ келтирилади (Ха. 13—15). Лекин у Билга хоқоннинг эмас, балки битик муаллифи Йўллуғ тегиннинг ёрлиғидир. Англашиладики, Йўллуғ тегин отасининг ўлиmidан кейин ўзи битган ёрлиғида ҳам унинг унвонидан фойдаланган. Бунинг билан у матннинг ижтимоий-сиёсий таъсирини назарда тутган кўринади.

2. Култегин, Билга хоқон битиклари туркшуносликда шу кезга қадар тарихий манба, бадний асар сифатида тадқиқ этиб келинди. Лекин мазкур матилар ҳужжатшунослик нуқтаи назаридан ҳали ўрганилганча йўқ. Кўк турк хоқонликлари давридан алоҳида ҳолда ёрлиқлар, расмий матилар этиб келмаган бўлса-да, Култегин, Билга хоқон битикларидан ўрин олган «хоқон сўзи»ни монументал мати учун тузилган расмий ҳужжат сифатида ҳам қараш мумкин. Хоқоннинг ушбу мурожаати туркий ҳужжатчиликнинг энг кўҳна намунасидир.

Битикларни қиёсий-текстологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатадики, Култегин битигини битиш чоғида муаллиф қўлида хоқон айтиб туриб ёздирган мурожаат матни бўлган. Айни таянч матни муаллиф Йўллуғ тегин битикка киритган. Кейинчалик отаси Билга хоқон ўлиmidан сўнг у аввалги матидан қайта фойдаланган: уни таҳрир қилиб, айрим ўринларини тўлдирган. (Айни мати борлигининг ўзинёқ хоқонликлар даврида расмий матилар битилганлигидан далолат беради). Бу жараёнлар кўк турк хоқонликлари даврида матншунослик, туркий ҳужжатчилик принциплари пухта ишланганини кўрсатади. Айни кезларда шаклланган ва такомиллашган ҳужжатчилик кейинги давр расмий услубининг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Кўк турк тарихнавислиги мактабининг йирик намоянаси, улуғ адиб Йўллуғ тегин ўзигача яратилган монументал мати тузиш анъанасини ривожлантириб, уни юқори босқичга кўтарди, туркий тарихнавислигида мати тузишнинг янги, ўзига хос шаклини яратди. Унинг битиклари кўк турк хоқонликлари даврида яратилган монументал мати-

ларнинг энг ажойиби, кўк турк матнавислигининг улкан кашфиётидир.

Битиклар ўз тизими, матн қамрови билан аввалги, ўзига замондош ёки кейинги юз йилликларнинг монументал матнларидан буткул ажралиб туради. Битиклар мураккаб тизимга эга. Уларда турли тип матнлар аралаш қўлланган; хоқон мурожаати, ёрлиқлар, ҳатто марсия (эпитафия) ва таърих (колофон) муайян изчилликда ягона қолипга жойлаштирилган. Матн шакли ҳам ўзига хос: унинг катта қисми насрда ёзилган бўлса, ора-ора шеърини бўлақлар ҳам мавжуд. Буларнинг бари уйғунлашиб, асарнинг композицион бутунлигини ташкил этади.

Едномаларда матннинг катта бир қисми Билга хоқон тилидан келтирилган. Битикларда улуғ йўлбошчи, миллий қаҳрамон номидан бутун улусга, авлодларга мурожаат этилади. Бу эса, ўз навбатида, матнларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини таъминлашга хизмат қилган. Муаллиф Йўллуғ тегин матннинг айни ижтимоий-сиёсий таъсирини назарда тутиб, ҳатто Билга хоқон мангутоши хотимасидан ўрин олган ўз ёрлигини ҳам отаси хоқон унвони (*türk Bilgä qağan sabīm*) билан бошлайди. Бундай анъана Шарқ тарихнавислигида маълум. Чунончи, Заҳриддин Муҳаммад Бобурдан сўнг ўтган айни шажара давомида турувчи Қўқон хонлари ҳам ўз ёрлиқлари, расмий ёзишмаларини *Ba-bur sōzumiz* деб бошлаганлар.

Қултегин, Билга хоқон битиклари улуғ хоқон ва саркарда хотираларига ўрнатилган оддий мангутошлар эмас. Уларда улуғ йўлбошчи хоқоннинг бутун турк элига, келажак авлодга мурожаати, ўнгитлари, даъвати битилган. Битиклар мундарижаси, гоёвий-бадний хусусиятларининг ўзаро яқинлиги ҳам ана шундан. Мангутошлар ўрнатилган манзил улуснинг муқаддас зиёратгоҳига айланган эди. Эл бу даргоҳни зиёрат қилиб, хоқонига, миллий қаҳрамонларига ҳурматини билдирган, улардаги матни ўқиб ундан сабоқ олган.

Ислом давридан бошлаб Ўрта Осиё халқлари, жумладан, туркларда монументал матн битиш анъанаси тамоман ўзига хос йўлга ўтди. Матн мундарижаси ва тузилиши ҳам ўзгарди: кўк турк хоқонликлари даври мангутошларидаги матн кенг қамровлилиги, эпосларга хос тасвирлар ўрнини исломий мазмун эгаллади, мангутошларда тарихий воқеалар аввалгидай тўла-тўқис ёзилмайдиган бўлди. Энди подшоҳлар, йирик амалдорлар, шайхлар хотирасига кўпроқ арабий ёфорсида ёднома битиш русумга айланди. Уларда Аллоҳнинг исми-сифатлари (ал-асма' ал-хусна), Қуръони Карим оятлари, ҳадислардан иқтибос келтирилди, пайгамбар исми зикр этиладиган бўлди; марҳум шайхига марсия битилиб, ўлимнинг таърихи келтирилди. Лекин урхун битикларида шакланган ва такомил топган туркий тарихий матн тузиш анъаналари исиз кетгани йўқ. Ушбу анъаналар ўрта аср тарихнавислигида тарих китобларига кўчиб, ривожланишда давом этди.

А. Ҳолматов

ИЛК УРТА АСРЛАРДА СУҒДДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАРИХИДАН

Муғ тоғи суғд архивидаги¹ қатор ҳужжатлар ўлкамиз илк ўрта асрлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўзига хос томонларини акс эттириши билан алоҳида қимматга эгадир. Жумладан, бир нечта ҳужжатларни ўрганиб, улар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тарихи билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Ҳужжатларнинг бу каби тадбир билан боғлиқлиги ҳақида фикрни биринчи бўлиб суғдшунос М. Исҳоқов илгари сурган².

Бу ижтимоий масалалар, асосан, ҳужжатларда тез-тез тилга олинган аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ эди. Ижтимоий тадбирни қўллашга сабаб бўлган кескин вазият ҳолатларига ҳужжатларда ҳам ишорат қилинган. Бу вазият араб истилоси оқибатида юзага келган ҳолда ижтимоий танглик ҳужалик қийинчиликлари билан боғлиқ эди. Бу муҳим иш билан подшонинг ўзи шахсан шуғулланган, унинг энг йirik мулозими фрамандар лавозимидаги шахс — Утнинг фаол иштироқлари диққатга сазовордир. Шу мазмундаги икки суғд ҳужжатининг қисқача таҳлили билан таништирамиз. Улардан бири Муғ тоғи суғд архивида А-2 рақами остида рўйхатга олинган, 12×11 см. чармга битилган 10 қатор суғдча матидан иборат. Бу ҳужжатда подшо Деваштичнинг фрамандари Утга оч қолган бир қишлоқ аҳолисига дон бериш тўғрисидаги лўнда ва талабчан оҳангдаги буйруғи акс этган. Ҳужжатнинг кириш қисми қуйидагича бошланади: «Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичдан фрамандар Утга ассалом!» Деваштич ўзига нисбатан подшо унвонини қўллашига аниқлик киритиш лозим. Асли Панч³ ҳокими бўлган Деваштич подшолик титулини 708—722 йиллар давомидаги 14 йиллик бошқаруви даврида фақат икки йил — 718—719 йиллардагина қўллаган. Демак, Деваштичнинг подшолик санаси айни араб истилоси пайтига тўғри келган жубҳа қолдирмайди⁴. Ҳужжатнинг кейинги қисми қуйидагича давом этади: «Менинг номам билан учрашганинг ҳамоно (яъни хатимни олишинг билан) Аски Разроздаги оч одамларга 300 кафч дон бермоғинг лозим бўлади, ҳеч пайсалга солма. Суғд подшоси Самарқанд ҳокими Деваштичдан фрамандар Утга». (М. Исҳоқов таржимаси). Ҳужжат мазмунидан кўриниб турибдики, бу олди-сотти муносабати эмас, ёки подшо дон эвазига бирор нарса ундирилишини талаб қилмаяпти. Бу подшо Де-

¹ 1932—1933 йилларда Зарафшон дарёси юқори оқимида жойлашган Қалъан Муғ харобасидан топилган VII аср охири VIII аср бошларида онд суғд ҳужжатлари архиви.

² Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992.

³ Панч—Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги илк ўрта аср маъмурий-ҳудудий вилояти, Ҳозирги Панжикент тумани.

⁴ Қиёс қилинг Согдийские документы с горы Муғ. Вып. II; Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В. И. Лившица. М., 1962. С. 89. (Қуйида СДГМ деб берамиз).

ваштични араб истилоси оқибатида оч қолган ўз халқини дон билан таъминлашдек ўзига хос ижтимоий ҳимоя тадбиридир. Бу ижтимоий гадбирни подшо шундай кескин вазиятда амалга оширгани алоҳида аҳамиятга эга. Ҳужжатда ишорат қилинган Аски Разрзо қишлоғи аҳолисининг оч қолишига ҳам шу араб истилоси оқибатида юзага келган иқтисодий танглик сабаб бўлгандир. Очлик туфайли кескин вазиятни яхши тушунган ҳолда подшо Деваштич фрамандар Утддан ўз буйруғининг шошилини равишда бажарилишини талаб қилмоқда. Кўриниб турибдики, подшо бу ижтимоий вазиятда масъулият ва қатъийлик билан иш тутиб, ўз халқининг қайғусида бўлган.

Ушбу ҳужжатдаги дон таъминоти масалаларига тўхталиб, сўғдишунос олим В. А. Лившиц шундай ёзади: «Фрамандар осуществляют контроль за выполнением распоряжений Деваштича о поставках продуктов из этих же селений отдельным лицам, а также производил выдачу продуктов крестьянам общинникам, посылаемым в порядке повинности на работу в другие селения, так видимо следует понимать выдачу зерна в документах А-2 и А-18»⁵. Олимнинг бу баёнида кўриниб турганидек, ҳужжатнинг асосий ижтимоий моҳияти, яъни истило шароитида аҳолини очликдан асраш, ҳимоялаш масаласи очилмасдан қолган. Натижада иккала ҳужжат ҳам ҳўжалик мазмунидаги ҳужжатлар каби талқин қилинган.

Шу маънодаги ҳужжатларнинг чиндан ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тарихи билан боғлиқ эканлигини навбатдаги сўғд ҳужжати мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ҳужжат Муг тоғи сўғд архивининг А-18 рақами остида рўйхатга олинган матни бўлиб, 18×3,5 см бўлган юпқа оч кулранг хитой қоғозига сўғдча ёзув билан битилган: ҳужжатнинг ўнг юзасида 10 қатор, орқа томонида икки қатор мати бор. Бу ҳужжат ҳам ўз маъносига кўра, биринчи ҳужжатга яқин туради. Лекин унинг айрим деталлари одатдаги расмий оҳангдан фарқ қилади. Бу фарқ ҳужжатларнинг кириш қисмидаги анъанавий саломдан кейинги баъний қисмида яққол кўзга ташланади. Бунда подшо Деваштич фрамандар Уттни танқид остига олиб шундай киноя билан гап бошлайди: «Дон бергин, деб айтган кишиларга дон бермайсан, беришинг лозим бўлмаганларга, (яъни) мен тавсия қилмаган кишиларга балки (дон) берарсан?» (М. Исҳоқов таржимаси)⁶. Деваштич киноясининг ўзига хос сабаблари ҳам бор эди. Бу аввало, подшонинг Зрунб қишлоғи аҳолисини очлик таҳликасида сақлаш мазмунида ёзган олдинги хатига фрамандар Утнинг бепарво қараганлигидир. Натижада подшо бу хат мазмунини такрорлашга мажбур бўлган: «Айрим хабарларга қараганда сен жуда бепарво эмишсан. Ахир мен сенга шундай хат юборган эдим-ку: «Зрунбликларга ғамхўрлик қил. Сен уларга дон беришинг керак, токи улар очликдан кулфат чекмасинлар». Хат мазмунидан кўриниб турибдики, подшо танбех оҳангида фрамандар Утга Зрунбликларни дон билан таъминлаш ҳақидаги буйруғини

⁵ СДГМ II С. 135.

⁶ Исҳоқов М. Сўғдсана тарих чорраҳасида. Тошкент, 1990.

такрорлаган. Хужжатда А-2 даги Аски Разрзодан ташқари яна бир қишлоқ номининг тилга олинishi Деваштичининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кенг миқёсда олиб борилганидан далолатдир. Чунки, Деваштич Панжикент атрофидаги қишлоқлар аҳолидан ўз мулозимлари орқали ва шахсан ўз ташрифи натижасида хабардор бўлиб турган. Буни дон таъминоти масаласи билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ҳам кўриш мумкин (масалан, А-3, Б-11, Б-13). Яна А-18 ҳужжатнинг завомидан маълум бўлишича, фрамандар Утт подшо тилга олинган аввалги мактубидаги вазифаларни бажармаган. Натижада подшо бундан ранжиган. Энди подшо буйруқ мазмунига ўз туйғуларини ҳам қўшиб ифода этади: «Мана улар келишди ва айтяптилар — «ҳеч нарса олганимиз йўқ». Бу хатни олишинг биланоқ уларга 200 кафч дон бер. Сугд подшоси Деваштичдан фрамандар Уттга». Яна буйруққа аниқлик киритиш мақсадида, ҳужжатнинг орқа томонига икки қатор хат ҳам битилган: «Донни ўзлари тақсимлаб олишади, (сен) пайсалга солма (яъни тез бажар, тўхтама)».

Кўриб чиққан ҳужжатларимиз тарихимизнинг илк ўрта асрлар босқичи учун муҳим янги маълумотлар бермоқда. Араб истилоси даврида, хусусан 712—720 йиллар орасида вужудга келган иқтисодий танглик, айниқса, Панжикент вилоятида оғир тус олган. Чунки Самарқанд, Кеш, Уструшон, Чодирчик⁷ (Жиззах-Зомин) Чоч, Фарғона — барчаси араблар қўлга ўтган эди. Демак, биргина Панч вилояти қийин иқтисодий қамал шароитида курашни давом эттираётган эди. Ҳужжатлар мазмуни кўриб ўтганимиздек, ана шу шароит билан боғлиқ. Ушбу муҳим маълумотлар, ижтимоий-тарихий тажриба сифатида бугунги Ўзбекистонимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати билан ҳамоҳанг. Демак, давлатимизнинг бугунги ички сиёсати узоқ ва синалган тарихий илдиизга эгадир.

⁷ Чодирчик зай топонимини М. Исҳоқов Зомин—Жиззах атрофидаги ерлар деб изоҳлайди. Қаранг: Унутилган подшоликдан хатлар. 11—12-бетлар.

У. Мансуров

СУҒДЧА БУҒУТ ЁДНОМАСИ ВА ТУРК ХОҚОНЛИГИ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида туб демократик ислохотлар жараёнини бошдан кечириётган ва ХХI асрга дадил интилаётган бугунги кунда минг йиллар қаъридан тадрижий ривожланиб келаётган халқимиз тарихини ҳолисона ва чуқур ўрганиш ўтмиш ҳақидаги билимларни халқимизнинг маънавий тақомилига хизмат қилдириш, унда ажодларимизнинг жаҳон цивилизацияси, илм-фани, маърифатига қўшган беқиёс ҳиссасини соғлом ифтихор туйғуси билан идрок этиш хислатларини яратиш каби муҳим вазифалар юзага келмоқда.

Ватанимиз тарихини ўрганишнинг илмий асосларига қадим замонларданоқ ўзига хос замин тайёрланган. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия», Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» китоблари ўрта асрлар давомида яратилган ўнлаб, юзлаб тарихий асарлар бу-

нинг яққол мисolidир. Ҳатто араб истилосигача даврлардаёқ ўлкамизда тарих битишнинг ўзига хос усул ва шакллари пайдо бўлганки, буларнинг илмий қийматини белгилаш устида ўйлаб кўриш лозим. Бу соҳада икки-уч мисол билан киёяланамиз. Биринчиси олимлар томонидан 581—688 йилларга мансуб, деб баҳоланган сугдча Бугут ёдномаси (тош битиги)дир. Бу тош битик 552 йилда ташкил топган I турк хоқонлигининг дастлабки салкам 40 йиллик тарихи ҳақида бевосита Буюк Турк хоқонлиги даври тарихнавислик анъанасини акс эттирган ягона ёзма ёдгорлиқдир. Бугут ёдномаси фанда маълум бўлганига 40 йилдан ошди. Уни мўғул археологи Дорж Сурэн Мўғулистоннинг Архангай аймоғидан топган эди. Ёдгорлик мажмуи 553—572 йилларда хоқон бўлган Мухан хоқоннинг укаси Махан тегин деган давлат арбобининг вафоти муносабати билан унинг қабри устига ўрнатилган. Бўйи 120, эни 70 см атрофида, қалинлиги 20 см бўлган йўниб силлиқланган тош лавҳанинг икки ёнбоши ва олд юзасида сугд ёзуви билан сугд тилида битилган матн жойлашган. Лавҳанинг шимолий томонида — орқа юзасидаги ёзув ёмғир ва шамолда емирилиб кетган. Баъзан сақланиб қолган чизиқларга қараганда хитойча матн бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бу ўрнида биз учун муҳими Бугут ёдномаси устида олиб борилган тадқиқотлар тарихидир. Гап шундаки, бу ёдгорлик ҳақидаги илмий хулосалар бугун долзарб бўлиб турган ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихининг фанда кенг маълум бўлмаган саҳифасини ёритишга хизмат қилади.

Бугут ёдномаси ҳақида дастлаб академик В. Ринчин (Мўғулистон) хабар берган, лекин лавҳадаги матнни уйғур (туркий) ёзувида деб тушунган эди¹. Олим матнни ўқишга уринмай, унинг топилиш тафсилотлари билан чекланган ҳолос.

1968—1969 йилларда россиялик олимлар С. Кляшторний, В. А. Лившицлар Бугут битиги билан бевосита шугулланишди. С. Кляшторний Цецерлег шаҳри музейига олиб бориб жойлаштирилган тош лавҳадан эстамп кўчирмалар, фотография нусхалари олиб Санкт-Петербургга келтирди. Бу ерда матнни ўқиш устида В. А. Лившиц, М. Исҳоқов иштирокида иш олиб борди. Ниҳоят, 1971 йили «Бугут қабр тошидаги сугд ёзуви» номли мақола юзага келди². Мақолада бир қатор муҳим хулосалар учун замин тайёрланган: биринчидан, I Турк хоқонлиги тарихининг дастлабки 30 йили давомида Бумин хоқон (552 йил), Мухан хоқон (553—572)лар орасида Қара хоқон (бир йилга етар-етмас) тахтга чиққани ҳақида туркий ёдгорликларда аниқлик йўқ эди. Бугут ёдномаси бу хронологик оралиқни фойдали равишда тўлдирди; иккинчидан, Бумин хоқон давомчилари — сулола вакилларида Нивар хоқон, Таспар хоқон қабилар ҳам туркий битикларнинг анъанавий рўйхатларида йўқ. Лекин улар Хитой йилномаларида бор. Биринчи Тобо

¹ Ринчин Б. Мўғулистон қоятош суратлари, 16-том, 1-қисм. Улан Батор. 1968. (француз тилида) Китебда қабр тошларидаги ёзувлар ҳам бор.

² Кляшторний С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута. Страны и народы Востока. Вып. X, М., 1971.

кехан, иккинчиси Нйету кехан каби берилган. Бу хоқонларнинг бево-сита хоқонликнинг ўзида яратилган ёдномлада учраши Н. Бичуриининг хитой манбаларидан олган маълумотларига жиддий аниқлик кирита-ди; учинчидан, Бугут ёдномасида Мухан хоқоннинг укаси Махан тегин-нинг шахси ва давлатда эгаллаган мавқеи VIII асрга оид шахзода, давлат арбоби Билга хоқоннинг укаси Култегиннинг мавқе ва мақомини эслатади³. Гап шундаки, хоқон ва унинг укаси ўртасида тахт эгаси ва унга тахтдош давлатни бирга бошқарувчилик анъанаси қадимий аж-долларимиз давлатчилигида анъанавий илдизларга эга бўлган, деган хулосага ўрин бордек кўринади. Яъни, хоқонлар қошида тахтдош сиё-сий, ҳуқуқий институт амал қилган. Бу усул тахт атрофида турли низо ва зиддиятларни тинч кенгашли йўл билан ҳал қилишнинг мақбул воситаси бўлган.

Историографик маънода Бугут ёдномасининг нашрларида масала-нинг бу муҳим жиҳатиға аҳамият берилмаган; тўртинчидан, Бугут ёд-номасининг мазкур наشريда В. А. Лившиц қадимги туркий (Урхун-Енисей) ёзувининг пайдо бўлиш тарихига муносабат билдирган. Яъни, Бугут ёдномаси яратилган вақтда (581—586 йиллар ораси) ҳали тур-кий ёзув бўлмаган, деган хулосага келган. Бунинг исботи сифатида тошининг матида туркий матн йўқлигини кўрсатган. Шу билан бирга В. А. Лившиц тош лавҳада асосий матн сугд ёзуви ва тилида экани орқали қадимги сугдларнинг ёзуви ва тили Буюк Ипак карвон йўллари бўйлаб узоқ шарққача халқаро ёзув ва тил ролини ўйнагани ҳақидаги илмий фикрини яна бир бор тасдиқлайди. Кейинчалик В. А. Лившиц туркий рун (Урхун-Енисей) ёзуви VI аср охири VII аср бошларида махсус ижод қилинган деган фикрни ҳам Бугут ёдномасидан олган таассуротлари асосида эълон қилган эди⁴. Лекин, В. А. Лившиц бу хулосаларга келган вақтда ҳали фанда Иссиқ кўргонидан топилган «помаълум ёзув» (мил. авв. V—VI аср) унинг Сурхондарёдан то-пилган намуналари (милодий I аср) ҳақида маълумотлар йўқ эди. Бугун эса қадимги туркий ёзувининг тарихий илдизларини шулардан бошлаш учун назарий асослар изланмоқда⁵; бешинчидан, Бугут қабр-гоши тарихнавислиги Култегин, Билга хоқон каби туркий намуналар-даги панду насихат, фалсафий-ижтимоий фикрларни баён этиш билан боғлиқ ўзига хос баён услуби чуқур, қадимий анъанага эга эканлигини кўрсатиб. Сугдча ёзувда акс этган ушбу анъана М. Исҳоқовнинг фик-рича, аввал оғзаки марсиячилик (ўлганнынг шаънига қайғули қўшиқ каби ижро этиладиган йиғи-марсия) матилари сифатида амал қилган, деган фикрни олға суриш мумкин. Бу каби анъанавий «айтиб йиғлаш» аза маросими матиларининг ёзувга кўчиши эса илк ўрта асрлардаёқ чуқур илдизга эга бўлган турк-сугд маданий симбиозининг яққол кў-ринишларидан биридир.

Бугут ёдномаси устидаги тадқиқотларнинг кейинги босқичи кўпроқ

³ Абдурахмонов Ф., Рустамов А., Қадимги туркий тил. Тошкент, 1986.

⁴ Лившиц В. А., К происхождению древнетюркского рунического алфавита// Тюркология. 1978. № 3.

⁵ Исҳоқов М., Қадимги туркий ёзув қанчалик қадимий//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995 йил, 20 май.

қадимий ёзув маданиятимиз тарихини ўрганиш масалалари билан боғланди. Хусусан, суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти устидаги тадқиқотлар асосида Буғут ёдномасининг ilk ўрта асрлардаги ижтимоий-маданий ҳаёти, сиёсий жараёнларини ақс эттириши ҳақида фикрлар билдирилди. Шу билан бирга суғд, ёзувининг VI—VIII асрлар ёзув маданияти тарихидаги ўрни алоҳида кўрсатилди. Буғут ёдномасида ақс этган суғд ёзуви кейинчалик раvнақ топган суғд китобий хуснихатининг дастлабки қадами сифатида баҳоланди⁶.

⁶ Исҳоқов М. М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари // Ўлмас обидалар. Тошкент: Фан, 1989. 3—143-бетлар.

И. Худоёр

НАСАВИЙНИНГ «НАФСАТУЛ МАСДУР» АСАРИ ВА УНИНГ ЖАЛОЛИДДИН МАНКБУРНИНИНГ ҲАЁТИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Бизга маълум бўлишича, «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» асарининг муаллифи Шаҳобиддин Муҳаммад Зайдарий Насавийнинг яна бир китоби — «Нафсатул масдур» (Юрак заққумлари) ҳақида султон Жалолиддиннинг ватандошлари шу пайтгача тасаввурга эга эмаслар. Зеро, «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни»нинг собиқ совет давридаги йирик тадқиқотчиси марҳум Зиё Бунёдов ҳам «Нафсатул масдур»нинг муаллифи ким эканлигини билмас экан¹.

1928 йили Техрондаги «Ширкати маҳудди табъи кутуб» нашриётида 105 саҳифалик мўъжазгина бир китоб чоп этилди. Унинг муқовасига «Нуриддин Муҳаммад Мунший қаламига мансуб «Нафсатул масдур» асари» сўзлари ёзилган эди. Шундан сўнг бу асар тақдири қуйидагича кечди. Эроннинг йирик тарихчи олими марҳум устод Иқбол Оштиёний мазкур китобдан 2 нусхасини аллома Мирзо Муҳаммадхон Қазвинийга юбориб, ундан асар ва унинг муаллифи ҳақида фикр билдиришни сўрайди. Атоулмалик Жувайнийнинг «Тарихи Жаҳонгушой» асари устида кўп йиллар тадқиқот олиб бориш жараёнида хоразмшоҳлар яшаган даврга нисбатан ўзида катта қизиқиш пайдо қилган Муҳаммадхон Қазвиний 55 кун ичида мазкур китоб ва унинг наشري ҳусусида битта илмий мақола тайёрлаб, Иқбол Оштиёнийга жўнатади. Иқбол Оштиёний эса уни 1929 йили газета саҳифаларида эълон қилдиради.

1964 йили доктор амир Ҳасан Яздгирдий «Нафсатул масдур»ни қайтадан нашр эттиради, аммо энди бу нашр Қазвинийнинг мазкур илмий мақоласини муқаддима қилиб олган ҳолда Яздгирдий тайёрлаган танқидий матн, кенг изоҳ ва кўрсаткичлар билан 757 саҳифадан иборат илмий тадқиқот сифатида ҳавола этилади. Билганимиздек,

¹ Муҳаммад Ёқуб. Султон тарихининг тадқиқи // Халқ сўзи, 1999 йил, 22 август.

«Нафсатул масдур»нинг матни эса бу китобда ҳам бор-йўғи 125 бетни ташкил қилар эди, холос².

Нашрдаги илмий-танқидий матннинг қайси қўлёзма нусхалар асосида тайёрлангани ҳусусида қисқача маълумотнома:

Яздгирдий қўйидаги 4 та қўлёзма нусхани бир-бирига қиёслаб³ илмий матнни яратган:

1. Салтанат кутубхонаси, рақами 2478, котиб Салмон Фароҳоний, кўчирилган 1295 ҳижрий-қамарий йил, шикаста настаълиқ.

2. Ризоқулихон Ҳидоят қўлида бўлган нусха асосида 1928 йили тошбосма ҳолида чоп этилган манба.

3. Мужтабо Минавий шахсий кутубхонасидаги (кўчирилган санаси йўқ) қўлёзма нусха.

4. Афзал-ул-мулкнинг Эътимод ус-салтана буйруғига биноан айрим ноқис матнлардан йиғиб кўчирган ва Миллат кенгаши мажлиси кутубхонасида 4ж1516 рақами остида сақланувчи (кўчирилган санаси йўқ) нусха.

Мазкур қўлёзма нусхаларидан ҳеч бири тўлиқ ва матни ишонарли эмас, ҳусниҳат даражаси ҳам турлича⁴.

Асар муаллифи ҳақиқатан ҳам «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» муаллифи Шаҳобиддин Муҳаммад Насавийми? Аллома Қазвиний мазкур илмий тадқиқида шундай ёзади: «Китобни синчковлик билан қайта-қайта ўқиб чиққач, шундай қатъий хулосага келдимки, бунинг муаллифи ҳам ҳеч шак-шубҳасиз ўша «Сийрат»ни таълиф этган Муҳаммад бин Аҳмад бин Али бин Муҳаммад Мунший ан-Насавийдир (шу ерда муаллиф «Сийрат»нинг 1891 йили Парижда нашр этилишига ҳам ишора қилиб ўтади). Хуллас, очик-ойдин маълум бўл-яптики, ҳар икки китобда ҳам бир одам гапиряпти, ҳа ўз бошидан кечирганлари ҳақида битта одам сўзламоқда, икки хил шахс эмас!»⁵.

Профессор Забиҳулло Сафо бу фикрни тасдиқлаб дейди: «Мўғуллар даври бошларидаги машхур адиблардан яна бири Жалолиддин Хоразмишохнинг муншийси Нуриддин Муҳаммад Насавий бўлиб, унинг «Нафсатул масдур» номли форсча ва «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» деб аталувчи арабча китоблари бор»⁶.

² Шаҳобиддин Муҳаммад Харандазий Зайдарий Насавий. Нафсатул масдур. Матни тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи Амир Ҳасан Яздгирдий. Техрон, 1343 қ. ш.

³ Қадимий ва ишончли, тўлиқ қўлёзма нусхаси йўқлигидан бир нечта ноқис нусхалар асосида матн тайёрлашга тўғри келди. Тайёрловчи бунда бошқа манба ва ўз билими тажрибасидан ҳам фойдаланган.

⁴ Нафсатул масдур. Муқаддима. 30—32-бетлар.

⁵ Уша асар. 44—45-бетлар.

⁶ Бу шахснинг исми Шаҳобиддин Муҳаммад Насавийдир. Нуриддин эмас. Мужтабо Минавий ўзининг кичик мақоласида бу шахс ҳақида шундай фикрда эканлигини таъкидлайди: У ҳақида Ризоқулихон Ҳидоят, Муҳаммад Тақи Ҳаким, Қазвиний, Иқбол, Оштинийлар янглишганлар ва уни Нуриддин мунший билан бир киши деб ўйлаганлар. Аслида эса Нуриддин Карим уш-Шараф Нишобурийнинг невараси ва Нишобурга қарашли Каркан аҳлидандир. Шаҳобиддин ва Нуриддин ҳар иккаласи ҳам Жалолиддин Манкбурнинг муншийси бўлганлар, бир даврда яшаганлар, балки биргаликда бир идорада ҳамкорликда ишлаган. Аммо, бир-бири ҳақида ёзиб қолдирган нарсалари йўқ. Нафсатул масдур. Муқаддима. 83—86-бетлар.

Бу фикрга қўшилган олим Мужтабо Минавий ҳам қуйидагича ёзди: «Арабча битилган «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» ва форс тилида ёзилган «Нафсатул масдур» муаллифининг исми Муҳаммад, лақаби Шаҳобиддин ва нисбалари Харадзий, Зайдарий, Насавий бўлган бир шахсдир»⁷.

Ниҳоят Малик-уш-шуаро Баҳор ҳам ўзининг машҳур «Сабкшиносий» китобида ушбу фикрларни билдирган эди: «Муҳаммад Насавий султон Жалолиддиннинг котиби ва вазири бўлган. У Маёфориқин шаҳри ҳокими Малик Музаффар ҳимояси остида ўзи ва султон Жалолиддин бошидан кечирган воқеалар баёнини ўз личига олувчи форс тилидаги «Нафсатул масдур» номли кичик бир асарини ёзган. 639 ҳижрий-қамарий йили эса ўша шаҳарда араб тилидаги «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» номли муфассал бир китобин ҳам битган»⁸.

«Нафсатул масдур» муаллифининг ўзи баён этишича, султон Жалолиддин ўлдирилганидан 4 йил кейин ёзилган⁹. «Сийрат» маълумотларидан биламизки, султон Жалолиддин 628 ҳ. қ. йилнинг шаввол ойи ўрталарида шахид бўлган¹⁰.

«Нафсатул масдур» Маёфориқин шаҳрида 632 ҳ. қ. йили ёзилган. Аллома Қазвиний бу сана хусусида шундай фикр билдирган эди: «Ва аммо «Нафсатул масдур» китоби орқасига (нашрда) бу китоб езилиши санаси сифатида босилган 622 ҳижрий йили ҳам хатодир»¹¹. Унинг тўғри санаси «632» бўлиши керак эди.

Китоб муаллифи Муҳаммад бин Аҳмад бин Али бин Муҳаммад ал-муншӣ ан Насавийдир. 621 ҳ. қ. йили ўша даврдаги Нисо ҳокими уни султон Жалолиддиннинг укаси, яъни Хуросон ҳокими султон Гиёсиддин саройига минг динорлик йиғилган солиқни олиб бориш учун жўнатган эди. Аммо, Рай шаҳрида султон Жалолиддиннинг укаси Гиёсиддин устидан ғалаба қозонганидан хабар топган Насавий ҳодисалар тақозосига кўра, Ҳамадон шаҳри яқинида қароргоҳ қурган Жалолиддин ҳузурига бориш ва барча солиқ йиғимини унга топширишни маъқул топади.

Насавийнинг шундан кейинги ҳаётининг анча қисми Жалолиддин билан бирга сафарларда ва унинг мулозиматида кечади, 622 ҳ. қ. йили Жалолиддин Озарбайжонни қўлга киритиш учун Ироқдан Мароғи сари йўналади ва ўша пайт Насавийни «Иншонавислик» мансабига тайинлайди. 627 ҳ. қ. йили эса Жалолиддин уни Қазвин яқинидаги Аламут қалъасига солиқ ундириш учун жўнатади. Насавий мазкур элчилик хизматини адо этиб, минг қизил олтин динорни олгач, Қазвинга келади ва у ерда мўғулларнинг султон Жалолиддин билан уришиш учун келатгани ҳақидаги хабар тарқалади. Насавий ўзига йўл хавфсизлигини таъминлаш учун ёрдам кутиб, бир оз муддат Қазвин шаҳрида қолиб кетади. Ниҳоят ёрдам келишидан умидини узиб, Табризга эсон-омон етиб олиб, шахсан султон Жалолиддинга йиғилган солиқни

⁷ Ўша асар, 83-бет.

⁸ М.Баҳор. Сабкшиносий. 3-ж., 7—8-бетлар.

⁹ Нафсатул масдур. 115—116-бетлар.

¹⁰ Сийрат... 247-бет; Нафсатул масдур. 66-бет; Сабкшиносий. 3-ж. 7—8-бетлар.

¹¹ Ўша манбалар.

топширади. Кўп вақт ўтмай (628 х. қ.) мўғулларнинг Занжонга кириб келганлиги ҳақидаги хабари етиб келади ва Жалолиддин ўзининг тарқалиб кетган лашкарларини қайтадан тўплаш мақсадида Муғон томон чекинишга мажбур бўлади. Султон Жалолиддин Ширэ Кабут қалъаси ёнидан ўтаётганда, ҳаёлига анчадан бери қўлида асирликда турган бир мўғулни қочиб кетмаслик эҳтиёжини қилиб Насавий қўлига топширади ва уни ушбу қалъада ҳибсда ушлаб туриш ҳақидаги буйруқ билан Ширэ Кабутга жўнатади. Насавий топшириқни бажаради ва эртагонда султоннинг лашкароҳи томон ошади. Бироқ етиб келгач, қаттиқ ҳайратга тушади. У ерда на султон чодирин бор эди ва унинг лашкари (бу воқеа 627 х. к. йилнинг зулҳижжа ё 628 х. қ. йилнинг муҳаррам ойида рўй берган). Насавий вақтни ўтказмасдан отининг жиловини Ганжа томон буради ва 3 ой ўша ерда яшайди. Шундан сўнг Насавий султон Жалолиддиннинг Моҳон (Урмия) ноҳиясида турганидан хабар топади ва кечаси мўғул лашкари ичидан билинтирмасдан ўтиб, султон ҳузурига етиб келади. Жалолиддин қиш охирагач, 628 йил баҳорида Моҳон томонидан кўчиб Аррон ноҳияси томон йўл олади ва Ганжа шаҳрини қайта қўлга киритиб, у ерлик бўйин товланганлар ва хонларини жазолайди. Ганжадан эса Шом ва ал-Жазира ҳокимларининг мўғулларга қарши курашида ёрдам бериш учун Ихлоти ва Диёрбакр вилояти сари юради (628 йил шаъбони ёки рамазон бошида). 628 х. қ. йилнинг рамазон ойи ўрталарида Жалолиддин Насавийни Ихлотдан элчилик расми билан ва ёрдам сўраб Маёфориқининг ҳокими Малик Музаффар ёнига юборади. Насавий бу ўлкада бир неча кун туриб, натижа чиқара олмаса, Малик Музаффар билан хайрлашиш асносида, алоқачи кабутар олиб келган хат орқали мўғул лашкарининг Ихлот ва Диёрбакрга яқинлашганидан хабар топади. Малик Музаффарнинг ман қилишига қарамасдан султон Жалолиддинга нисбатан қадимий дўстлиги ва ўз вазифасига масъулият билан қарашини юзасидан тезликда Маёфориқинни тарк этади. Хоний минтақасида турган султон лашкарига етиб олиш учун йўлга отланади ва кўп ўтмай Хилжир деган ерда душманга пистирма қўйиб ётган Жалолиддин билан учрашади ҳамда бўлиб ўтган воқеалардан уни воқиф этади.

Бир неча кундан сўнг Жалолиддин Насавий ва бошқа ҳамроҳлари билан Омед (ҳозирги Диёрбакр) шаҳри четига келиб тушади, ammo у ерда мўғулларнинг тўсатдан қилган ҳужумига дуч келади. Султон шу олиншувда қўллаб ботиб жангчиларидан жудо бўлади. Ўзи ва Насавий эса омон қолиб, ҳар тарафга қочиб қутуладилар. Бироқ, Жалолиддин шу қочишда, кўп ўтмай, Маёфориқин яқинида бир неча нобакор курд жоҳиллари қўлида бемаъни ўлим топади (воқеа 628 х. қ. шаъбон ўртасида рўй берган). Насавий эса ўз бошидан кечирган ва эшитган сўнгги воқеалар тафсилотини ўзининг 125 саҳифалик «Нафсатул масдур» асарининг 83-саҳифасида баён этади.

Насавий ўша воқеалардан сўнг анча муддат дарбадарлик, хорлик, Омед ҳокимининг жабру ситамларини кўради ва у ташлаган зиндонда 3 ой азоб чекиб, тунлардан бирида зиндондан қочади ва ўзини таитмасдан Мардин ва Арбал, у ердан эса Урмияга етиб олади. Урмияда юрт ҳокими буйруғи билан унинг сипоҳийлари томонидан тутқунликка

олинади, бироқ уни ўлдиришни мўлжаллаган сипоҳийлар Насавийни қор-бўронли қиш кунлари қип-яланғоч ҳолатда тоғлар устида қўли боғлиқ ҳолда қўйиб юборадилар. Насавий барча қийинчиликларга бардош беради ва ўлаёзган бир ҳолатда Хўй шаҳрига етиб келади. У ерда 2 ойни ўтказгач, она юрти — Хуросонга қайтиш ўйига тушиб, яна йўлга чиқиш пайдан бўлади. Лекин ўша ер улўғлари ва аёнлари маслаҳатига кўра, ва Хуросоннинг мўғуллар томонидан ишғол қилиниб, вайрон этилгани сабабли у Аюбийлар ҳукумати таркибидаги Шом ва ал-Жазира томон кетади. Ниҳоят, 629 ҳ.қ. йилининг муҳаррамиди, Маёфориқин шаҳрига келади ва Малик Музаффар Ғози уни ўз ҳимоясига олади ва шу билан Насавий доимий таъқиб ва сарсонлик уқубатидан қутулиб, тишч умр кечира бошлайди. У султон Жалолиддиннинг бир неча бозори курдлар томонидан ўлдирилганини ҳам шу Малик Музаффардан эшитади.

Насавий 4 йил мобайнида Маёфориқинда яшайди ва сўнг, 632 ҳ.қ. йили «Нафсатул масдур» асарини ёзишга киришади. 639 ҳ.қ. йили эса «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» асарини яратади. Лекин унинг қаерда ёзилгани маълум эмас. Бир неча олимларнинг фикрича, бу асар ҳам мазкур Шом ва ал-Жазира улкаларига қарашли сарзаминда дунёга келган¹².

«Нафсатул масдур»нинг ёзилиш услуби ҳам ўзига хосдир. «Форс тилида ҳижрий VII аср биринчи ярмида яратилган китоблар ичида «Нафсатул масдур» оддий наср ва маснуъ насрнинг жимжимадор, нишонанислик йўлида битилган олий намунасидир»¹³. Унинг услуби ўша давр услубида бўлиб, сўзлар пухталиги, муаллиф чечанлиги бобида Баҳоуддин Бағдодий мурасалотларидан ҳам анчагина устундир ва қадимий сўз, ибораларни, феълларни қўллашда бошқалардан кўра кўпроқ диққат билан битилган. Ва ҳар томонлама Абул Маолий насри билан тенгдир (Абул Маолий ўша даврнинг энг яхши форс тилида ҳамда табиий ва маснуъ насрда ёзилган «Қалила ва Димна» асарининг муаллифидир)¹⁴.

Бу асарда тавсиф энг олий даражага етган, ҳажв, форсий масал, форсча, арабча шеърлар мазмунидан фойдаланиш, ҳадисларни ўринли келтириш, арабча таркибларни форсий баён услубида қўллаш, янги киноя, истиоралар яратиш, форсча гапларда араб тилидаги феълларни ишлатиш, араб тилидаги қиин ва эса сақлаб бўлмайдиган илмий атамаларни келтириш асарнинг ҳар жиҳатдан қийматини оширган.

Муаллиф Қуръон оятлари, Ҳадис сўзларидан ташқари кўплаб арабча, форсча шеърларни ишлатган. Тадқиқотчилар кўп ҳаракатлар қилиб, улардан фақат 40 та арабча, 13 та форсча шеърнинг кимга тааллуқли эканини топа олганлар, талайгинаси ҳалигача топилмай қолмоқда¹⁵.

Бу кичик рисолада арабча 73 та байт, 55 та мисра, 53 та форсча байт ва 47 та мисра келтирилган.

¹² Нафсатул масдур. 67—68-бетлар.

¹³ Муқаддима. 5-бет.

¹⁴ Сабқиносий. 3-ж. 8-бет.

¹⁵ Муқаддима. 18-бет.

Юқорида айтганимиздек, Жалолиддиннинг ўлими ва унинг бошига тушган сўнгги ҳодисалар анча йилларгача тадқиқотчилар учун номаълум бўлиб келган эди. Етиб келган маълумотлар эса бу ҳақда турличадир. Масалан, «Тарихи Жаҳонгушой»нинг муаллифи Жувайний ёзиб қолдирган маълумот қуйидагича: «Унинг (султон Жалолиддиннинг) умри якун топиши хусусида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Баъзиларнинг айтишича, Қуҳистон (Омед)га келиб, оқшомиси бир мавзёга тушгач, курдлар унинг (қимматбаҳо) кийимларини тортиб олиш тамъасида султоннинг кўксига тиг санчиб, қаттиқ ярадор этадилар; (жоҳиллар) не ишга қўл урганни билмас ва қандай овини ўлжа қилганидан беҳабар эдилар». «Ва бундай хулосага келишим шундаки, ул жамоат султоннинг кийимини кийиб шаҳарга келдилар ва аёнлар султон кийимини ва қурол-яроқларини таниб қолиб, Омеднинг ҳокими эса бу ҳолни текшириб кўргач, ул жамоатни қатлга еткурди ва бир қабр ҳозирлашини буюриб, унга бояги ўлган киши, яъни султонни дафн эттирди». «Яна бировларнинг айтишича, мазкур кийимлар бошқа бировники эди, аммо баъзи аломатлари ила султоннинг кийим-бошларига ҳам ўхшарди. султон эса эгинга хирқа ташлаб, сўфийлик расмида намоён бўлиб, шаҳару қишлоқларни кезар ва мазоротлари тавоф айларди... ва бир неча йиллардан сўнг гоҳ-гоҳ «султонни фалон ерда кўрдик» деган овозалар тарқалиб турарди»¹⁶.

Аммо, «Нафсатул масдур» асари Жалолиддиннинг сўнгги кунлари ҳақида ўз ўқувчисига аниқ маълумот беради. Малик-уш-шуаро Баҳор ўзининг машҳур «Сабкшиносий» асарида¹⁷ «Нафсатул масдур»дан бир қитъани келтиргач, китоб ҳошиясига шундай ёзади: «Бу ёндириб-куйдирувчи марсия шундан хабар берадики, Жалолиддиннинг ўша вақтда ўлдирилганига муаллифнинг ишончи комил бўлган. Ибн ал-Асир каби замондош муаллиф эса бор-йўғи икки йилдан сўнг (яъни 629 ҳ. қ. йилнинг сафар ойи бошида) ҳам унинг на ўлиги ва на тиригидан хабардор бўлган»¹⁸.

«Нафсатул масдур»да бу ҳақдаги фикрлар қуйидагича: «Афсуски номардлик ва нокаслик касофати миллат отаси, салтанат майдонининг шоҳсевори, жаҳонбонлиқ пойдеворининг асосчиси умрини елга со-вурди...

У ҳеч қачон ҳеч бир ерда икки кундан ортиқ ушланиб қолмас, ором билмас эди. У эндигина ором топганда эса жаҳон беқарор бўлди, ўз оромини йўқотди. Қоронғи жаҳонни ёғдулантирган қуёш эди, гарб томон чекиниб, ер остига беркинди. Йўқ, у ер ташналигини қондирган булут эди, кўч-кўлонини йиғиштириб кетди. Салтанат мажлисининг шамъи эди, даврани нурлантирарди, энди ёндию, сўнди. Шоҳлик бўётонининг гули эди, очилдию, энди пажмурда бўлиб сўлди. Ислон аҳлининг уйқудаги бахти эди, уйғондию, сўнг уйқуга кетди. Ошуфта чарх эди, осойиш топию, энди яна ошуфтаҳоллик ихтиёр этди. Исон Ма-снх эди, ўлик жаҳонга жон киргиздию сўнг осмон сари йўл олди. Қай-

¹⁶ Тарихи Жаҳонгушой. 2-ж. 190—192-бетлар.

¹⁷ Сабкшиносий 3-ж. 9—13-бетлар.

¹⁸ Тарихи комили ибн Асир. 12-ж. 196-бет.

хусрав эди, чинликлардан ўчини олдию, горга беркинди. Не дейин? Бу афсус-надомат узра нени излайин? Салтанат кўзининг нури эди, чироқ каби иш интиҳосида шуъла сочдию, ўчди. Йўқ, йўқ, у Ислон ҳомийси эди.... Осмон бу мотамдан эғнига кўк ёпинди. Ер бу мусибатдан сочини, юлиб, бошига сочди. Бунча тош бағирсан, эй тоғ, бу даҳшатли хабарни эшитиб, нега бошининг эгмасдан турибсан. Булут бу ғамли кунда сув ўрнига қон оқизмоғининг ўрни бор. Денгиз бу мусибатдан оғзи қўпикка тўлиб, ўқирса-да арзийди...»¹⁹.

Шундай қилиб, «Нафсатул масдур» султон Жалолиддин Манк-бурни ўлими тарихининг энг ишончли манбаи, деб баҳоланиши мумкин.

¹⁹ Нафсатул-масдур. 45—48-бетлар.

3. Илҳомов

АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАР*

Ватанимиз тарихида унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўрин тутган, унинг барқарорлиги ва равнақи йўлида буюк хизматлар қилган кўплаб сиймолар ўтган. Шундай шахслар қаторига олдинги асрда яшаб ўтган ва Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаётида катта ўрин тутган, ўзининг фаолияти билан кейинчалик бир қатор асарлар, хотиралар, жангномалар ёзилишига сабаб бўлган инсон — Мулло Алиқули Амирлашкарни киритиш мумкин.

Мулло Алиқули Амирлашкар Қўқон хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида катта ўрин тутиш билан бирга, XIX асрнинг 50—60-йилларида чор Россиясининг Ўрта Осиёга ҳарбий тажовузига ва босқинчилик юришларига қарши курашларда ўзининг ҳарбий салоҳиятини ҳам намойён этган эди. Ўтган йиллар мобайнида гарчи, Россия империясининг Туркистон халқларини мустамлакага айлантириши, унга қарши озодлик курашлари ҳақида янги маълумотлар тарих саҳифаларини бойитаётган бўлса-да, бироқ уларда маҳаллий халқларнинг курашларда иштирок этган ва унда қаҳрамонлик кўрсатган вакиллари хусусида жуда кам, аксари ҳолларда умумий маълумотлар учрайди, ҳозирги мавжуд тарих дарсликларида, рисоаларда бу тўғридаги саволларга жавоб топиш мушкул.

Мулло Алиқули Амирлашкар тўғрисидаги XIX аср охирлари ва XX аср бошларида маҳаллий тарихчилар томонидан бир қанча асарлар, хотиралар ва жангномалар ёзилган. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар», Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи Жаҳоннамойи» ва бошқа бир қанча асарлар сақланмоқда. Уларда Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи бир қанча қимматли маълумотлар мавжуд.

* Тарихчиларга Алиқули сифатида маълум исми мақола муаллифи таҳлил этган манбада Алиқули каби ёзилган деб таъкидлайди. Баҳс учун муаллиф ўқиган шаклни ўзгартирмадик (бош муҳаррир).

Бу асарлардаги маълумотларга суяниб, Алиқули Амирлашкар ким, қайси хизматлари учун узоқ вақт халқ тилидан тушмай келган қаҳрамонга айланди, деган саволларга жавоб топишимиз мумкин.

Алиқули Амирлашкарнинг туғилган йили ҳақида аниқ сана учрамаса-да Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асаридаги Тошкент мудофааси вақтида унинг ҳалок бўлиш воқеалари баён этилиб, — «...ўша вақтда (1865 йил 9 май — 3. И.). Амирлашкар марҳумнинг ёшлари тахминан ўттиз уч-ўттиз тўрт ёшда эди...»¹, — деган маълумотларга асосланиб, Алиқули Амирлашкарнинг 1831 йилда таваллуд топганлигини аниқлаш мумкин.

Шу вақтгача тарих китобларида, айрим қўлёзмаларда ва рус ҳарбийлари томонидан ёзилган ахборотлардаги маълумотларда Алиқули Амирлашкарнинг исми «Алимқул» деб берилган. Бироқ, унинг ҳақиқий исми айнан Алиқули эканлигини бир қанча манбаларни ўрганиш натижасида манбашунос олим Ш. Воҳидов томонидан аниқланди². Шунингдек, XIX аср Қўқон ҳоқини архивига онд бўлган, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган Қўқон ҳарбийларидан бир гуруҳига ҳарбий унвонлар ва мансаблар бериш тўғрисидаги, форс тилида ёзилган ёрлиқда ҳам «дар вақти Мулло Алиқули Амирлашкар дода шад» (Мулло Алиқули Амирлашкар вақтида берилди — 3. И.) ёзуви учрайди³. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бундан буён Амирлашкар Алимқул эмас, балки унинг ўз ҳақиқий исми — Алиқули Амирлашкар деб аташни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Юқорида ёзганимиздек, Алиқули Амирлашкар 1831 йилда Хўқанд яқинидаги Навкат ноҳиясининг Бужунбиткон мавзесида Хусайнбий хонадонидан дунёга келган, кейинроқ бу хонадонда яна бир қиз туғилган. 1833 йил Хусайнбий вафот этади. Сағир қолган фарзандлари билан Алиқулининг отаси Шаҳрбону биби акаси Мулло Дўст Охунд хузурига боради ва Алиқули тоғаси қўлида олти-етти ёшгача тарбия олади. 1838 йилда улар Қўрғонтепа ноҳиясига кўчиб келадилар. Сўнгра Андижондаги Оқмасжид мадрасасида икки йилча сабоқ олади ва 1841 йили Қўқонга келади. Бу ерда Маҳзум Ҳожи Раис — Домулло Аёз Маҳдум ўғли хузурида хизмат қилиб, саводини янада оширади ва 1849 йилгача, яъни ўн саккиз ёшгача шу ерда бўлади. Кейинроқ, Алиқулининг синглисига уйланган Усмоиқул додхоҳ уни ўзига яқин олиб, сипоҳгарчилик — ҳарбий ишларга жалб қилади. Сўнг, яна Қўқонга қайтиб, йигирма ёшида отаси ўрнига бий бўлади. Бу ерда у ниҳоятда зийрак ва ҳушмуомала бўлганлиги ҳамда фуқароларни адолат билан бошқарганлиги сабабли кундан-кун обрў-эътибори ортиб боради ва ҳурматга сазовор бўлади. Унинг мавқеи ортиб боришидан бир қанча кишиларнинг адо-

¹ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма. 185-бет.

² Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Тошкент: Маънавият, 1999. 107—110-бетлар.

³ ЎЗР Марказий Давлат архиви. 1043-ф., 1-ж., 2047-иш.

ватлари ортиб, ёвлашиб қоладилар, бу эса унинг Маллабек хизматига киришига сабаб бўлади. Бу воқеа 1853 йилда содир бўлган эди.

Алиқули ўзининг шйхоати, қатъиятлилиги билан эътиборга тушиб, Маллабекнинг энг ишончли кишиларидан бирига айланади. Унинг Қўқон хонлиги тахтини эгаллашда ҳам Алиқули катта ёрдам беради. Ҳаттоки, Маллабек айнан Алиқулининг уйида хонликка кўтарилади. Бу тўғрида Муҳаммад Юнус Тоиб шундай ёзади:

«...Андижонга тобе Тошлоқ мавзеидаги Амирлашқари марҳум ҳавлисига қўнуб, ул ерда билиттифоқ (Алимбек додхоҳ, Сайидбеклар билан биргаликда — З. И.) Маллабекни хонликка кўтариб, асбоби жанг тайёр қилмоқ ва юрт олмоқ тараддудига туштилар»⁴.

Маллахон тахтни эгаллагач (1858 йил), Алиқули юқори мартабаларга эришади. Бу ҳақда турли манбаларда турлича маълумотлар берилган. Жумладан, Муҳаммад Юнус Тоибнинг ёзишича, унга Чимён ҳукуматини берган⁵. Бошқа бир манба — Аваз Муҳаммад Аттот Хўқандийнинг «Тарихи Жаҳоннамойи» асарида ёзилишича, «Маллахон Фаронанинг ҳукмронлик тахти ва фармондорлик авраиғига ўтиргандан сўнг, Алиқули (қўлёзмада Алимқул — З. И.) хизматларини эътиборга олиб, унга эшикоғаси ҳамда мири понсад унвонини берди. Шундан кейин у Чимён навоҳисининг ҳокими бўлди. Уратепани фатҳ этиш пайғида ҳам Алиқули жасорат кўрсатган эди. Маллахон ҳукмронлигининг охирида Марғилонда воли бўлди»⁶.

Бу ҳақда ёзилган яна бошқа маълумотлар тошкентлик мирзо Мулло Юнус хотираларида ҳам учрайди:

«Қўқон эгаллангач, Маллахон Алиқулига зинбардор мансаби, қўп ўлмай мирохўр мансабини берди»⁷.

Хуллас, Алиқули Амирлашқар Маллахон ҳузурида энг мартабали ва обрўли шахслардан бири бўлган эди. Бу вақтда унинг ёши йигирма олти-йигирма еттиларда бўлган. Айни шу дамларда бир томондан Россия империяси тажовузи, иккинчи томондан ички сиёсий парокандалик, тахт учун талашишлар Қўқон хонлигини оғир аҳволга солиб қўйган эди. Бундай сиёсий ва ҳарбий таназзул шубҳасиз, мустамлака мақсадида гиш-тирноғи билан қуролланиб, хонлик ҳудудларига босиб келаётган чор Россиясидек хавфли душманга айна мулдоа эди. 1845—1865 йиллар мобайлида тахт саккиз марта (!) қўлдан-қўлга ўтганини назарга олсак, шу йиллар ички парокандалик ва Россия тажовузи энг кучайган ва босқинчиликнинг юқори палласига кирганини кўраимиз.

Шундай вазиятлардан бирида Алимбек додхоҳ, Ҳидир додхоҳ ва Муҳаммад Иброҳим мирзабошилар фитна уюштириб, 1862 йил 23 февралда Маллахонни ўлдирадилар. Шунингдек, Алиқули Амирлашқарни ҳам ўз мақсадлари йўлида йўқ қилиш пайига тушадилар. Алиқули эса (бу вақтда у эшикоғаси мансабида эди) Бекмуҳаммад додхоҳ, Шод-

⁴ Тарихи Алиқули Амирлашқар. 18—19-бетлар.

⁵ Уша асар. 26-бет.

⁶ Қараг: Воҳидов Ш. Тарихи Жаҳоннамойи//Шарқ юлдузи. 1991, 8-сон, 127-бет.

⁷ Смирнов Е. Т. Султани Кенисар'и и Садик. Ташкент, 1889. С. 69.

монхўжа мингбошилар билан биргаликда Қўқон хонлигида ҳокимиятни эгаллаш учун Алимбек додхоҳ тарафдорларига қарши кураш олиб боради ва бу кураш 1863 йилгача давом этади. Бу орада эса Қўқон тахтини бирмунча вақт Худоёрхон Бухоро амири ёрдамида қўлга киритади. Бироқ, бутун Фарғона водийси аҳолисининг Алиқули Амирлашкарга ҳайрихоҳлиги ортганлиги ва аксинча, Худоёрхонга нисбатан норозилиги кучайганлиги Алиқули Амирлашкарга ҳокимиятни қўлга киритишига ёрдам беради. 1863 йил 9 июлда Маллахонининг ўғли Султон Сайидхон тахтга чиқарилади ва Алиқули амалда ҳокимият эгаси бўлади. Бу вақтда у ўттиз икки ёшда эди.

Айни вақтларда эса Россия империясининг тажовузи тобора кучайиб, Қўқон хонлигининг бир қанча қалъаларини босиб олган эди. Мулло Алиқули Амирлашкар бу вазиятда кўмак истаб, Туркия, Англия, Қобул ва Қандаҳор, Кашмир, Хитой каби давлатларга элчилар юборади. Бироқ бу вақтда Россия қўшинлари Авлиёота, Туркистон шаҳарларини эгаллаб олган эдилар. Чимкент ҳимоясига шахсан Алиқули Амирлашкарнинг ўзи бошчилик қилади. Дастлабки жангда у русларга жуда қаттиқ зарба бериб, уларни чекинишга мажбур қилади. Бироқ ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлган рус армиясининг қуролланиши Қўқон лашкарига нисбатан анча кучли эди, бу нарса қайта бўлган жангларда ўз оқибатини кўрсатди ва қўқонликлар мағлубиятга учради. Бироқ руслар ҳам бу жангда катта талафотлар берди. Алиқули Амирлашкар, Бекмуҳаммад, Мингбой, Султон Содиқ каби лашкарбошиларнинг ҳарбий салоҳияти ва кучли тактикага эга эканлиги, ўзбек, қozoқ ва қирғиз халқларининг фарзандларини ўз сафларига бирлаштирган ватан мудофаачиларининг жасорат билан мардонавор кураш олиб боришлари рус ҳарбий кўмондонларини даҳшатга солди. Бу подшо Александр II томонидан генерал М. Г. Черняевга Тошкентга ҳарбий юриш қилишни таққиқлашининг ҳам асосий сабабларидан бири эди. Руҳий жиҳатдан қудратли кучга эга бўлган ватан ҳимоячиларига қарши хонликнинг ичкари ҳудудларидан жанг олиб боришдан чор Россиясининг ҳукмрон доиралари ҳам қаттиқ чўчиган эдилар. Шунга қарамай бу юриш подшонинг тақаббур ва ўзбошимча генерали М. Г. Черняев томонидан амалга оширилди ва унинг шармандаларча мағлубияти билан тугади.

Рус ҳарбийлари қайта куч тўплаб, 1865 йил баҳорида Тошкентга ҳужум қилади. Тошкент мудофаасига ҳам Алиқули Амирлашкарнинг ўзи раҳбарлик қилади. Дастлабки тўқнашувда мағлубиятга учраган рус қўшинлари қайта ҳужумга ўтади. Шу ҳужумда Алиқули Амирлашкар ярадор бўлади.

Атрофидагилар уни суяб, шаҳар ичига олиб кирадилар, бир оз фурсатдан сўнг у вафот этади ва Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилади. Шу тариқа бутун ҳаёти давомида Қўқон хонлигининг бирлиги ва ватан ҳимояси учун, унинг озодлиги йўлида курашиб келган Алиқули Амирлашкарнинг ҳаёт йўли тугайди. Бу вақтда у ўттиз тўрт ёшда эди.

Келтирилган маълумотлар рус истилоси тарихи манбаларини янада чуқурроқ таҳлил этиш янги илмий ҳудосалар қилишга кенг имкон беришини яна бир бор исбот этмоқда.

Ўзбекистон тарихи: муаммолар ва янгича қарашлар

Ш. Саидов

ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИДА ШҶРО РОССИЯСИНING МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ

(1920—1924 йиллар)

Хоразм Республикаси — шўро Россияси томонидан чегаралаб қўйилган «мустақиллик»ка эга давлат эди. Номигагина мавжуд бўлган, амалда шўро Россиясининг сиёсий-иқтисодий манфаатларига бўйсундирилган, унинг ўзига хос хом ашё мустамалкасига айланттирилган бу республика қисқа вақт давомида яқин қўшни, шунингдек, Осиё ва Ғарб мамлакатлари билан изчил савдо алоқалари олиб боришга ҳаракат қилди. Урганилаётган даврда Хоразм Республикасининг ташқи савдо алоқаларининг ривожланишини асосан икки босқичга бўлиш мумкин: 1) 1920 йил апрель ойидан 1922 йил июнь ойигача; 2) 1922 йил июнь ойидан 1924 йил охиригача.

Шўро Россияси Хоразмнинг жуда қийин иқтисодий аҳволдан, географик жойлашувидан (Чор Россияси истилосидан кейин Хива хонлиги, 1920 йилларда эса Хоразм Республикаси, амалда Россия ва шўро империясининг тўлиқ қўршовида қолган эди, Хоразмга ягона қўшни давлат сиёсий-иқтисодий жиҳатдан бирмунча мустаҳкам ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Бухоро Республикаси ҳам амалда Россияга қарам давлатга айланттирилган эди) фойдаланган шўро Россияси фақат ўзи билан савдо алоқалари олиб боришга мажбур қилган. Хоразм Республикаси раҳбариятининг ўша даврдаги фаолияти ва хатти-ҳаракатига баҳо беришда шу тарихий реалликдан келиб чиқилса ҳолиселик қилган бўлардик.

1920 йил 13 сентябрда шўро Россияси ва Хоразм Республикаси ўртасида уларнинг икки томонлама муносабатларини белгилаб берувчи «Дўстлик ҳақидаги» ва бунга илова сифатида имзоланган «Иқтисодий» шартномада шўро Россиясининг Хоразм Республикасига нисбатан мустамалкачилик сиёсатини аниқ ифодалайди¹. Шартномаларни Россия ҳукумати томонидан Чичерин Георгий Васильевич — РСФСР Ташқи ишлар нозири ва Карахан Лев Михайлович — Ташқи ишлар нозири ўринбосари, Хоразм ҳукумати номидан Бобоохун Салимов (делегация раҳбари), Мулла Ҳурамулло Ҳўжамуҳамедов (туркман қабилалари оқсоқолларидан), Мулла Нурмуҳаммад Бобоевлар имзолайдилар.

Иқтисодий шартномада икки томонлама савдо муносабатларининг амалга ошириш бўйича қилиниши зарур вазифалар келишиб олинди. Бироқ шартнома беvosита шўро Россиясининг иқтисодий манфаатларига мос келадиган қилиб тузилди. Жумладан, шартноманинг учинчи моддасида қуйидагиларни ўқиймиз: «...Хоразм Республикаси ихтиёри-

¹ Ўзбекистон Давлат архиви, 73-ф., 1-ёзув, 4-иш, 6 7, 8-варақлар.

да мавжуд бўлган барча хом ашё (пахта, пахта маҳсулотлари, гиламлар, тери, мовут, уруғ ва бошқа маҳсулотлар) ресурслари ва маҳсулотларини фақат Россия Республикасига топширади»².

Оқибатда Хоразм Республикаси шўро Россиясининг хом ашё мустамлакасига айланиб қолади. Хоразм Россияга хом ашё маҳсулотларини чиқарган бўлса, Россия эса Хоразмга тайёр саноат маҳсулотларини бир неча баробар оширилган нархда катта фойда эвазига сотарди. Натижада 1920 йилларнинг бошида Хоразм асосан Россия билан савдо алоқаларини олиб боришга мажбур бўлди. Шўро Россиясининг тенгсизликка, камситишга асосланган бу ташқи савдодаги дискриминацион сиёсатини Хоразм ҳукуматининг баъзи ватанпарвар аъзолари кескин қоралаб чиқишди. Масалан, 1922 йил 22 февралда Савдо ишлари нозирлиги йигилишида Хоразм Республикасининг чет давлатлар билан савдо алоқалари масаласи кўриб чиқилди. Йигилишда Хоразм ҳукуматининг Москвадаги мухтор вакили Т. Раҳмонов иштирок этди. У ўз нутқида Хоразм Республикасининг иқтисодий аҳволи ва унинг экспорт имкониятларига умумий баҳо берди. Шу билан бирга Т. Раҳмонов Хоразм Республикасига нисбатан шўро Россиясининг хом ашё ресурслари ва маҳсулотларини фақат Россияга сотишдек камситувчи сиёсатига қаттиқ норозилик билдирди³. Йигилиш қатнашчиларининг кўpchилиги Т. Раҳмоновнинг фикрини қўллаб-қувватлашди. Шунинг учун Хоразм ҳукумати Россия ҳукуматиغا 1920 йил 13 сентябрда тузилган иқтисодий шартномани қайтадан кўриб чиқиш масаласини қўяди. Узоқ давом этган оғир музокаралардан сўнг, нihоят 1922 йил 29 июлда давлатлар ўртасида янги иқтисодий шартнома (келишув) имзоланди. Янги шартномага Россия ҳукумати томонидан Бутун Россия МИҚ ва Халқ Комиссарлар кенгашининг Туркистон масаласи бўйича комиссия раиси С. И. Гусев, Ташқи ишлар нозирлигининг Урта Осиёдаги мухтор вакилининг ўринбосари В. М. Цукерман, Хоразм ҳукумати томонидан Хоразм Халқ Нозирлар кенгашининг раиси Хўжаев Абдулла Абдурахмон ўғли имзолайдилар. Бунга кўра, Хоразм Республикасига Россия ҳукуматининг «назоратида» чет давлатлари билан савдо алоқаларини олиб бориш имконияти берилди. Шартноманинг бешинчи моддасида, жумладан, шундай дейилади: «Айрим мамлакатларда, агар зарур деб ҳисобланса, Россия ва Хоразм давлатлари ўртасидаги келишувга музофиқ, РСФСР савдо ваколатхоналари қошида Хоразм Республикасининг савдо ишлари бўйича доимий ваколатхоналари таъсис этилиши мумкин.

Хоразм Республикаси иқтисодий манфаатдор бўлган, ammo Россия Ташқи савдо нозирлигининг ваколатхоналари бўлмаган мамлакатларда РСФСРнинг розилиги билан, унинг мухтор вакилларининг умумий назорати (таъкид—бизники) остида Хоразмни савдо ваколатхоналари очилиши мумкин.

² Уша архив, 71-ф, 1-бзув, 30-иш, 10—11-варақлар.

³ Уша архив, 32-иш, 3, 4, 5-варақлар.

Эслатма: Хоразм Республикасининг бундай ваколатхоналари бўлмаган мамлакатларда савдо операциялари РСФСР органлари орқали амалга оширилади»⁴.

Шўро Россиясининг Шарқ халқларига, жумладан, Хоразм Республикасига нисбатан муносабатларида буюк давлатчилик сиёсати устун бўлганлигини яққол кўришимиз мумкин. Шартноманинг олтинчи моддаси эса РСФСРни Хоразм Республикасининг ташқи иқтисодий, яъни экспорт ва импорт ҳажмининг белгилашда ҳам «хўжайин»лик, камситувчи сиёсатини янада мустаҳкамлайди. Унда шундай дейилади: «Экспорт товарларини сотиш режаси ва тартибини, шунингдек, импорт товарларини сотиб олиш тартибини Хоразм Республикаси РСФСРнинг Ташқи савдо халқ комиссарлиги билан биргаликда белгилайди. Эслатма: Хоразм Республикаси, РСФСРга экспорт ҳам ашё ресурсларини сотиб олишда устуңлик ҳуқуқини беради».

Бундан кўринадики, РСФСР Хоразм Республикасини сиёсий-иқтисодий мустақиллигини турли воситалар билан чеклашган ва ўз иқтисодий манфаатларига бўйсундиришга мувофиқ бўлган. Ҳужжатларни ўрганиш шунини кўрсатмоқдаки, нафақат шўро ҳукуматининг тенгсизликка асосланган иқтисодий сиёсати натижасида Хоразм Республикаси, қолаверса халқи иқтисодий зарар кўрди, балки турли шаҳарларда ташкил қилинган савдо ваколатхоналарига нопок йўللار билан, яъни зўрлик, айрим ҳолларда бевосита РСФСР ҳукуматининг буйруғи билан ишга жойлаштирилган Россия фуқаролари бузғунчилик, порахўрлик, кўзбўямачилик билан шугулланганлар. Масалан:

«Хоразм Республикасининг мухтор вакили Сафаевга
Билдиришнома

Мен, Васильев, маълум қиламанки РКП(б)нинг вакили сифатида 1923 йил 27 июль № 53 буйруғи билан, савдо мухтор вакилининг ўринбосари лавозимини бажаришга киришаман»⁵. Шу фактнинг ўзи, бевосита большевикларнинг, Шарқ халқларига нисбатан қўллаган, оғизда эркин, амалда эса қўпол, сиёсий найрангбозликдан иборат мустамлакачилик сиёсатининг аниқ ифодаси эмасми? Россия фуқароси, Хоразм Республикасининг мухтор вакилига (яъни, элчисига) фақат ишга тайинланганлигини маълум қилмоқда. «Большевой» Васильевни Хоразм Республикасининг Москвадаги савдо ваколатхонасида бир неча ойлик қабиҳона фаолияти натижасида олтин миқдорда жуда катта иқтисодий зарар етказилган.

Бу ҳақда Москва савдо ваколатхонасининг раҳбари Сафаевнинг Хоразм ҳукуматига қилган докладида атрофлича тўхталган бўлиб, унда жумладан шундай дейилади: «Савдо ваколатхонасининг солиқ ўринбосари ўртоқ Васильев ва унинг ҳамтовоғи Россия фуқароси Курганов 1923 йил 29 октябрда 89751 сўмга маҳсулот сотиш тўғрисидаги келишувидан Хоразм ваколатхонаси 44859 сўм зарар кўрган. Бундан ташқари шу шахс томонидан 1923 йил 19 сентябрдаги тузилган 56638 сўмлик битимдан Хоразм Республикаси 44048 сўмлик зарар кўрди.

⁴ Уша архив, 71-ф, 1-ёзув, 30-иш, 55-варақ.

⁵ Уша жойда.

Васильевнинг хоҳиши билан Москва савдо ваколатхонасининг Оренбург бўлимига ишга тайинланган Курганов худди шу вақтда 81189 сўмга битим тузиш натижасида, савдо ваколатхонасига 81189 сўмлик зарар етказди. Умуман Васильевнинг фаолияти натижасида Хоразм Республикаси 170 минг сўм атропофид зарар кўрган»⁶.

Шундай қилиб, Россия ҳукумати Хоразм Республикасининг Москвадаги савдо ваколатхонасига Васильевдай нопок шахсларни ишга тикиштириши натижасида Хоразм халқига катта миқдорда иқтисодий ва маънавий зарар етказган.

Шуни таъкидлаш керакки, ватанпарварлик кайфиятидаги Хоразм фарзандлари Россия томонидан қўйилган турли тўсиқлар, чегараланишларга қарамай халқнинг моддий фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилдилар. Булар Хоразм Республикасининг собиқ СССРдаги мухтор вакили Сафаев, савдо вакили Мадияров, савдо ваколатхонасининг тижорат директори Юсуф Салимжонов ва савдо алоқалари бўлими мудир Хакимжоновлар ва бошқалар. Масалан: Юқоридаги қайд қилиб ўтилган Хоразмнинг Москвадаги савдо вакили Т. Раҳмоновнинг ташаббуси билан 1920 йил 13 сентябрда имзоланган Россия ва Хоразм ўртасидаги шартномани қайтадан кўриб чиқиш масаласи қўйилган эди. Янги шартномани тузиш билан боғлиқ РСФСР билан олиб бориладиган икки томонлама музокараларга Сафаев Хоразм ҳукуматиининг махсус вакили қилиб тайинланади.

Хоразм Республикаси манфаатлари учун Сафаев бу борада қатъий ҳаракат қилган. Аммо РСФСР томони турли баҳоналар билан музокараларни қўзишга ҳаракат қилган. Ҳатто, «янги шартнома тузишга эҳтиёж йўқ, чунки яқинда Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши тузилади»⁷, деган баҳонада музокараларни тўхтатиб қўйганлар. Шўро ҳукумати вакиллариининг бундай хатти-ҳаракатиға қарши Сафаев қатъий норозилик билдиради. «Чунки,— дейилади, у берган баёнотда, бу Хоразм мустақиллигига, унинг алоҳида давлат тамойилларига мутлақо зиддир»⁸.

Шўро Россияси бундай вазиятда турли ҳийла-найранг, алдов, иқтисодий-сиёсий тазйиқлар ўтказиш йўли билан, Хоразм ҳукуматиини ўзларининг манфаатларига бутунлай мос келадиган, аксинча, Хоразм манфаатларига бутунлай зид бўлган янги иқтисодий шартномани имзолашга мажбур қилишди. Шунга қарамайдан, ва албатта РСФСРнинг назорати остида Хоразм Республикаси Москва, Петроград, Оренбург, Чоржуй, ҳатто Финляндиянинг Гельсингфорет (Хельсинки) шаҳарларида савдо ваколатхоналарини очишга муваффақ бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад: «...СССР ва Фарбий Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатиш, ривожлантириш орқали Хоразмнинг иқтисодий ҳаётини тиклаш ишларида бевосита қатнашишдир»⁹.

1922—1923 йилларда Москва савдо ваколатхонаси ва Москва савдо идораси кенгаши йиғилишларида экспорт ва импорт билан боғ-

⁶ Ўзбекистон Давлат архиви, 71-ф, 1-ёзув, 30-иш, 53-варақ.

⁷ Уша архив, 71-ф, 1-ёзув, 15-иш, 130-варақ.

⁸ Уша архив.

⁹ Ўзбекистон Давлат архиви, 71-ф, 1-ёзув, 15-иш, 130-варақ.

лиқ масалалар доимий равишда кўриб борилди. Натижада, Хоразм вакилларининг фаол ҳаракати ўлароқ Ғарбий Европа мамлакатлари билан доимий савдо алоқаларини ўриатиш борасида Финляндиянинг йирик акционерлик жамияти «Трансбалтик» фирмаси билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди¹⁰.

